
Ерга барака уруғи тушди

Халқимиз орзиқиб кутган Баҳор фаслида заминимизнинг уйғониш, чор-атрофнинг яшил либосга бурканиш палласи экиш-яратиш, ерга барака уруғи қадаш тадбирлари уюшқоқлик билан олиб борилади.

Бугун туман ҳоқими бошчилигида сектор раҳбарлари Омонжон Ғайназаров раҳбарлигидаги “Азиз Сардор Диёри” фермер хўжалигига ташриф буюрдилар.

Ушбу ер майдонига нуронийларнинг дуолари билан ерга барака уруғи чигит экиш ишлари бошлаб юборилди.

Жорий йилда пахта ҳосили етиштириш учун 5900 гектар майдонга чигит экиш режалаштирилган бўлиб, ушбу ишлар учун барча қишлоқ хўжалиги техникалари, ёқилғи мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар, чигит экиш отрядлари шай ҳолатга келтирилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда барака уруғи қадаш ишларини ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитларини назарда тутган, далаларга ғўзани навлари бўйича жойлаштирган, ерларни тайёрлаш ва уруғ экиш тадбирларини бир-бири билан узвий боғлиқ равишда ташкил этган ҳолда ўтказиш белгилаб олинган.

2023-03-09 21:14:21